

**ЧАҚАЛОҚЛАРДА ТУҒМА СОН СУЯГИ БОШЧАСИ ЧИҚИШИНИ АНАТОМИК АСОСЛАШ,
ЭРТА ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Косимхожиев М.И., Курбанова Д.И., Таджиматов Ф.Г., Содикова Д.И., Холматов А.А.,

АДТИ, АВБКТМ.

✓ Резюме

Мақолада сон суяги туғма чиқиши касаллигига гүйен билан мурожсаат қылган чақалоқларни эрта ташхислаш ва босқичли даволаш усуллари ёритилган. Чақалоқларнинг туғилган күнларида сон суяги туғма чиқишини асосий белгиларидан сон суягини бошчасининг "сирпаниш" симптоми ва уларнинг кечки даврда сон суяги бошчасининг ҳаракатини чекланыш белгиси бўлиб, шу белгиларни туғруқ уйидан бошлаб ва ўналтирилган ортопедик текширув жараёнларида аниқлаб, даволашни бошлиши мумкин. Сон суягининг туғма чиқиши профилактикасида кенг ўргаклаш асоссий ўрин тутади ва ўз навбатида касаликнинг белгиларини олдини олади.

Калим сўзлар: чақалоқ, сон суяги бошчаси, анатомия.

**АНАТОМИЧЕСКАЯ ОБОНОВАНИЯ ГОЛОВКИ БЕДРЕННОЙ КОСТИ У НОВОРОЖДЕННЫХ ,
ОСОБЕННОСТИ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЙ**

Косимхожиев М.И., Курбанова Д.И., Таджиматов Ф.Г., Содикова Д.И., Холматов А.А.,

АГМИ, АОДБТЦ.

✓ Резюме

В статье рассматриваются вопросы диагностики, наблюдения и лечения новорожденных с врожденным вывихом бедра. Основополагающим симптомом врожденного вывиха бедра в перинатальном периоде является выявление наличие симптома "состалязывания", а в позднем периоде новорожденных пассивное ограничение отведения в тазобедренном суставе, которые с уверенностью можно установить в родильных домах и при дальнейших ортопедических осмотрах. В целях профилактического лечения врожденного вывиха бедра у новорожденных в перинатальном периоде мы рекомендуем широкое пеленание, что способствует в дальнейшем полному регрессу признаков данной врожденной патологии.

Ключевые слова: новорожденный, головка бедренной кости, анатомия.

BONES IN NEWBORNS, FEATURES OF DIAGNOSTICS AND TREATMENT

Kosimhozhiv M.I., Kurbanova D.I., Tadzhimatov F.G., Sodikova D.I., Kholmatov A.A.,

AGMI, AODBTTС.

✓ Resume,

Problems of diagnostics and treatment of congenital femoral dislocation (CFD) in the first days of newborns life were discussed in this article. The pathognomonic symptom of dislocation in this age is the symptom of sliding which can be surely established in case of twofold or threefold orthopedic examination in the maternity house. The symptom of sliding down - pre - dislocation - is the indication for the beginning of treatment which is carried out maximally mercifully with the help of socks with straps and taking aside laying. Recovery begins in 4-5 weeks in case of correct and timely beginning of treatment. We perform wide swaddle in all newborns with the problem of CFD.

Key words: newborn, femoral head, anatomy.

Долзарблиги

Текширувнинг максади:

Аҳоли турмуш тарзининг яхшиланиши, тиббий маданиятининг ошиши, уларга кўрсатилётган тиббий хизматнинг замонавийланишига қарамасдан, боялаларда таянч-ҳаракат тизимида туғма касалликларининг учраши юқори рақамлар билан сақданиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда йўриқномалар ва даволаш стандартлар асосида туғруқ уйларида турли мутахассислар томонидан чақалоқларга профилактик тиббий кўриклар ўтказилади. Таянч-ҳаракат тизимида туғма касалликлари аникланган чақалоқларга травматолог-ортопед мутахассислари томонидан даволаш чора-тадбирлари белгилаб берилади ва амбулатор назоратга олинади.

Бизнинг республикамизда кўп учрайдиган таянч-ҳаракат тизимишининг туғма касалликларидан бири бу - туғма сон суяги бошчаси чиқишидир.

Тақдим қилинган илмий текширувнинг мақсади чақалоқларда илк кунларидан бошлаб туғма сон суягининг чиқишига мойиллик бўлган чақалоқларни аниқлаш, уларни ташхислаш, даволаш ва касалликнинг ривожланишининг олдини олиш чора-тадбирларни такомилаштириш.

Чақалоқларда туғма сон суяги чиқишининг эрта босқичларида ёки унинг ривожланишининг олдини олиш ва янги даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш танланган текширув ишнинг вазифалари деб белгиланган.

Материал ва усуллар

Ушбу мақолада охирги 5 йил ичидаги (2014-2019 йй) травматолог-ортопед мутахассислар томонидан дастлаб туғруқ уйларида маҳсус текширувдан ўтган, кей-



инчалик Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (АВБКТМ) ортопедия бўлимига мурожаат қилган, туфма сон суяги чиқишига мойиллиги бўлган чақалоқлар ҳақида сўз юритилади.

Чақалоқларнинг туғилган кунидан бошлаб ва уларнинг 28-кунигача бўлган даври "чақалоқлик даври" ҳисобланиб шу даврда текширув ва кузатувдан 1400 нафар чақалоқлар ўтган, улардан 1-кунидан 7-кунигача бўлган даврдаги ("эрта чақалоқлик даври" - ёки "перинатал давр" деб номланади) - 890(63,6%) нафар чақалоқ ташкил қилган, 8-кунидан 28-кунигача бўлган даврдаги ("кечки чақалоқлик даври") чақалоқлар - 510 нафар (36,4%)ни ташкил қилган. Умумий чақалоқлар ҳисобидан ўғил болалар 780 нафар (55,7%), қиз болалар 620 (44,3%) нафарни ташкил қилган.

Ҳар бир текширилаётган чақалоқлар антропометрик ўлчовлар бўйича текширилган. Ўғил болаларда ўртача тана вазнининг оғирлиги 3100 граммдан-3800 граммгача ташкил қилган. Қиз болаларда бу кўрсаткич 2970 граммдан - 3700 граммни ташкил қилган. Ўғил болалар бўйининг узунлик ўлчами 51-53 см.ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич қиз болаларда 49-52 сантиметрни ташкил қилган.

Тана вазнининг оғирлиги 2700 гр.дан енгил бўлган ва бўйининг узунлиги 45 см. дан паст бўлган чақалоқлар "чала туғилган" чақалоқлар деб ҳисобланади, эгизаклар эса бундан мустасно.

Чақалоқликнинг илк кунларидаёк туфма сон суяги чиқишига гумон қилинган чақалоқлар назоратга олинниб, текширув ўтказилганда, уларда қўйидаги белгилар аниқланади:

- 1) пассив ҳаракатларда чаноқ-сон бўгимиининг очилиши (керилиши) чегараланган бўлиши;
- 2) иккала думба ва сон тери бурмаларнинг ясиланиши (ассиметрияси);
- 3) оёқларнинг нисбий калталиги ва чаноқ-сон бўгимдан ташқарига буралиши (ротацияси);
- 4) "Сирпаниш" (Маркс-Ортолани) симптомининг мусбатлиги.

Натижва мұхоказамалар

Биз томонимиздан ўтказилган текширувлар асосида, туфма сон суяги чиқишини эрта ташхислаш, олдини олиш ва даволашга хос бўлган бир қатор хусусиятлари аниқланди.

1400 нафар чақалоқнинг ҳар бирида чаноқ-сон бўгими очилишининг (керилишларнинг) даражаси тўлик текшириб ўрганилганида 136 (9,7%) нафар чақалоқларда чаноқ-сон бўгимиининг чегараланиши аниқланди. Шулардан 47 нафарида (34,6%) чап томонлама, 67 нафарида (49,3%) ўнг томонлама ва 22 нафарида (16,2%) икки томонлама сон суяги бошчасини олди чиқиқ ҳолати аниқланди.

Чаноқ-сон бўгимиидаги пассив ҳаракатларда чаноқ-сон бўгими очилишининг (керилиши) чегараланиши чақалоқларнинг кечки даврларидағи асосий белгиларидан бири деб ҳисобланади. Бизнинг 18 (13,2%) та кузатувимиз чаноқ-сон бўгимиидаги керилишларнинг чегараланиши аниқланган, чақалоқларда бошқа йўлдош қасалликлар аниқланди, улардан: 14 (1%) нафарида гипертонус, 1 (0,07 %) нафарида спастик паралич, 2 (0,14%) нафарида мушак контрактураси, 1 (0,07%) тасида сон суягининг проксимал қисми туфма калталиги ривожланиш аномалияси кузатилган.

Кечки даврда боланинг ривожланишини асосий кўрсаткичларидан бири ундаги антропометрик кўрсаткичларнинг ўзгариши ва шакланиши деб ҳисобланада, жумладан туфма сон суяги чиқигининг клиник белгиларидан бири иккала думба ва сон бурмаларининг ассиметрияси, яъни шу соҳалар солиштириб бир бирiga тақосланганда улар бир-бираiga мос келмаслигидир, шу ҳолат бизнинг назоратимиздаги 47 (34,6%) нафар чақалоқда аниқланган.

Бурмаларнинг чегаралари ва сони аниқлаш ўзига хослиги билан ажralиб туради ва масалан бъзви чақалоқларда бурмалар чегаралари ва сони ҳолати чаноқ-сон бўгими ёзилганда ва букилганда ўзгариши кузатилди. Айрим туфма сон суяги чиқигига шубҳа қилинган чақалоқларда (асосан иккала томонлама чиқишларда) умуман думба ва сон бурмаларининг бўлмаслиги кузатилди ёки уларнинг проксимал жойланиши кузатилади, бу ҳолатларда уларга букиш билан ва ёзиш билан боғлик физиологик ҳолатлар тавсия этилиб ва пассив ҳаракатлар ёрдамида аниқлаш мумкин.

Кечки чақалоқлар даврида, яъни 3 ҳафтадан 9 ҳафтагача бўлган чақалоқлик даврида, чақалоқларнинг 59 нафарида (38,2%) оёқнинг нисбий калталиги ва чаноқ-сон бўгимиидан ташқарига буралиши (ротацияси) белгиси аниқланди. Ушбу контингент беморларнинг ота-оналари томонидан чақалоқни ўргаклаётган вақтида уларнинг инжиқланиши тиббий кўрикка олиб келган ота-оналарнинг мурожатларнинг асосий шикоятлари бўлган. Оёқларнинг нисбий калталиги белгиси чақалоқларни кўшимча мажбурий тизза бўгими тортилган ва букилган ҳолатларда, ҳамда қоринга келтирган ҳолатларда болада иккала оёқларнинг тизза бўгимиарнинг нисбатида икки хил клиник манзара бериши аниқланди. Айтиб ўтилган белги асосан кўриниш орқали (визуал) аниқланишига қарамай у ўз навбатида ота-оналарнинг ва бирламчи кўрик ва патронаж ўтказувчи тиббий ходимларда энг юқори даражали туфма сон суяги бошчасининг чиқиши гумонини уйғотиши лозим.

Ўтказилган текширувлар натижасида 78 (57,4%) нафар текширилган чақалоқларда "сирпаниш", муаллифлар бўйича "Маркс-Ортолани", симптоми мусбат бўлиб, бу симптомни чақалоқнинг туғилишидаги илк соатлар ва кунларидан бошлаб аниқланганлиги ва бутун перинатал даврида сақланиб туриши қайд этилди. Биринчи бор кўрувдан ўтаётган чақалоқларда бу симптомнинг аниқланишида текширувчилар томонидан улар маҳсус тажрибага эга бўлиши талаб қилинади сабаби янги туғилган болада қўймич бўгимиидаги мажбурий ҳаракатлар ёнгил кечади ва бъзви ҳолатларда бу симптомни кўл билан сезилиши қийин бўлади.

Юқорида айтиб ўтилган қийинчиликлар вақтида "Сирпаниш" симптомини аниқлашда мутахассис томонидан "чиганоқ" ҳолатида, яъни чақалоқнинг чаноқ-сон ва тизза бўгимларини 40°-50°да бурчак остида букикан ҳолатда иккала кўллари билан болдир, сон соҳалар ушланади. 1-бармоғи ёрдамида сонни юқори, ички соҳасига босилади, шу пайтда сон суяги бошчасининг қўймич соҳасидан "сирпаниш" чиқсанлиги ва ўзига хос товуш сезилади ва текширувчи кўллари билан сезги ҳис қиласи.

Дастлабки текширувлар натижаларида "соглом" деб баҳоланган чақалоқларда қайта текширувларида юқоридаги айтиб ўтилган усуллар қўлланилиши натижасида кузатувдаги беморларнинг 26 тасида (19,1%) чақалоқнинг эрта перинатал даврида "сирпаниш" сим-

птомининг мусбатлиги аниқланди. Кузатув давомида шунга амин бўлдикки, "сирпаниш" симптомини ўтказаб юбормаслик учун чақалоқнинг ҳар куни кузатиш керак бўлади сабаби бъязан чақалоқда кўрув вақтида мушакларнинг таранг тортиб туриши туфайли "сирпаниш" симптомини аниқлаш имконияти бўлмайди.

Текширучилар томонидан бъязи бир ҳолатларда ҳам масалан чаноқ-сон бўғимида қирсиллаш (крепитация) "сирпаниш" симптоми деб баҳоланади, бу ўз навбатида тўгри эмас, лекин шу ҳолатларда чақалоқни иктинослашган текширувга муҳтожлиги сақланиб қолади.

Чилла-чақалоқлардаги туғилишидан сўнг оёқларининг одатий туриши чаноқ-сон бўғимида ва тизза бўғимида букилган ҳолати бўлиб уларда "сирпаниш" симптоми йўқлигини инкор қўлмайди, сабаби юқоридаги ҳолатда сон суягининг бошчаси марказлашган бўлиб, физиологик ҳолатга яқин ҳисобланади, ва уларни йўргаклаш натижасида ўз вақтида аниқланмаган сон суягининг бошчасини одатий жойлашишдан қочиради ва паталогик жараённи кучайтиради.

Юқорида келтирилган симптомларнинг бирортаси аниқланганда, чақалоқларда сон суяги бошчасининг қўймич косасида нотўгри жойлашганлигининг дараги деб ҳисоблаш зарур ва даволашни бошланишга асос ҳисобланади. Бундай ҳолатларда чаноқ-сон бўғимида иккиласи ўзгаришларнинг юзага келишининг олдини олиш мақсадида ўтказиб борилаётган даволаш муолажалар эрталиги, доимийлиги ва максимал тарзда ўзининг эҳтиёткорлиги билан ажralиб туришини талаб қилиш зарур.

Жумладан чақалоқни туғрук уйларидан бошлаб кенг йўргакланиши тавсия этилади, бу ўз навбатида даволанишнинг етарли ҳолати деб, ҳисобланиши мумкин, сабаби кенг йўргак қилинганда сон суяги бошчаси қўймич косасига тўлиқ марказланиши таъминланиб бўғим халтаси чузилишининг олдини олади ва "сирпанишни" чеклайди. Агар бундай чақалоқларда кенг йўргак қилинмаса, сон суяги бошчасининг қўймич косасидан доимий "сирпаниб", сон суяги бошчасининг чиқишига ёки ярим чиқишига сабаб бўлади ва одатий ҳолатга айланади. Бундан кўриниб турибдики, чақалоқнинг биринчи 5 - 10 кунлик даври текширув ва даволаш ишлари сон суяги чиқигини олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Бизнинг марказда тугма сон суяги чиқишининг олдини олишда болани қийнамасдан, ҳеч қандай зўрикишиз даволашга катта эътибор қаратилади. Агар бола безовталанса, дарҳол даволовчи врачга мурожаат қилиш кераклиги ота-оналарга тушунтирилади. Чақалоқларга бирданига кенг ва қаттиқ йўргак қилишни тавсия этилмайди. Чунки бирданига чаноқ-сон бўғимининг керилishi, шу соҳадаги қон айланишининг бузилишига ва кейинчалик сон суяги бошчасида дистрофик ўзгаришларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Назоратимиздаги бир нафар беморимизда чаноқ-сон бўғимида оғрикли контрактура ҳолати кузатилди. Ўз вақтида керакли чора-тадбирлар кўрилганлиги туфайли (иккала чаноқ-сон бўғимида керилышни камайтириш, шу соҳага илик процедура қилиш) бу беморда сон суяги бошчасидаги дистрофик ўзгаришларнинг олди олинди.

Чақалоқ туғрук уйидан чиқарилаётган пайтда юқоридаги симптомларнинг бирортаси кузатилса, уни бола тиббий картасига ёзиб, яшаш жойидаги поликлиника ортопедига юборилиши зарур. Ортопед бу беморни ўз назоратига олади. Тугма сон суяги чиқиги олди ҳолати кузатилган чақалоқларда, фақатгина пайпоқчали кенг йўргак ёки Фрейка шинаси тақиш би-

лан чегараланиш нотўгри ҳисобланади. Бундай чақалоқларга қўшимча уқалаш муолажалари ва даволовчи машқлар буюрилади.

Кузатувимизда бўлган 3 ойлик 20 нафар чақалоқларда чаноқ-сон бўғими рентган таҳлилида һ баландлиги асимметрияси, бъязиларида һ баландлигининг пасайганлиги (2-4 см), 3 нафар чақалоқда ацетабуляр бурчак 40 С дан юқори эканлиги аниқланди. Бу чақалоқларга даволанишнинг биринчи ҳафтасида чаноқ-сон бўғимида уқалаш муолажалари буюрилди. 2-ҳафтасида эса Фрейка шинаси тақилди. Фрейка шинаси чаноқ-сон бўғимини 90 С га букиб, 70-80 С га икки ён тарафга керади, яни ўз навбатида Лоренц-1 ҳолатини беради. 45 (33.1%) нафар чақалоқларда Фрейка шинасини тақиб. З ойликкача бўлган даврига қадар тўлиқ клиник ва рентгенологик нормага келишига эришилди. Бъязи чаноқ-сон бўғимида керилышлар чегараланган чақалоқларга даволовчи машқлар ва иккала оёқларини ичкарига ва ташқарига айлантирувчи машқлар буюрилди. Бу машқлар аддукторларнинг чўзилишига ёрдам беради ва бўғим капсуласи қисқаришининг олдини олади.

6 нафар (4.4%) З ойликдан катта бўлган болаларда тугма сон суяги чиқиши ташхисини касаллик клиникасига қараб қўйиш имконияти бўлмади. Уларга иккала чаноқ-сон бўғимларининг тўгри кўринишида рентгенография қилингач, тугма сон суяги бошчаси чиқиши ташхиси қўйилди.

Шундай қилиб, чаноқ-сон бўғимида керилышлар чегараланган чақалоқларда, сон суяги бошчасининг қўймич косасига доимий центрация ҳолатида бўлишини таъминлаб, юқоридаги белгиларнинг йўқолишига эришилди. Юқоридаги даволаш чора-тадбирларининг бузилиши болада сон суяги бошчасининг тўлиқ чиқишига сабаб бўлади.

Хуроса

1) Чашалоқнинг ilk қунларида ёк юқоридаги белгиларга асосланиб, тўгри даво тактикасини буюриш, 3-4 ойликкача бўлган болаларнинг тўлиқ согайишига ва касаллик белгиларининг йўқолишига олиб келади.

2) Пайпоқчали кенг йўргак ёки Фрейка шинаси тугма сон суяги чиқишининг олдини олишда асосий даволаш усули ҳисобланади.

3) Юқоридаги белгилар кузатилган болаларда қиёсий ташхислашни ўтказиш катта аҳамиятга эга, чунки бу белгилар чаноқ-сон бўғимида бошқа паталогик ҳолатларда ҳам кузатилиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Анкин Л. И., Анкин Н.Л. Практическая травматология. Европейские стандарты диагностики и лечения. - /М: Книга плюс, 2002.
2. Баиров Г. А. Детская травматология. - /СПб: Питер, 1999.
3. Волков М. В., Дедова В.Д. Детская ортопедия. - /М.: Медицина, 1983.
4. Корнилов И. В., Грязновин Э.Г. Травматологическая и ортопедическая помощь в поликлинике. Руководство для врачей. - /СПб.: Гиппократ, 1994.
5. Ли А. Д., Баширов Р. С. Руководство по чрескостному компрессионно-дистракционному остеосинтезу. - /Томск: Красное знамя, 2002.
6. Мюллер М.Е., Альговер М., Шнейдер Р., Виллингер Х. Руководство по внутреннему остеосинтезу. - /М.: Ad Marginem, 1996.
7. Campbell's operative orthopedics / Ed. By A. H. Crenshaw. - Mosby Year Book, 1992.

Келиб тушган вақти 09.09. 2020

